Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 20 апрел пайшанба

Сотувда эркин нархда № 76 (2373)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВга Республика талабалари "Ниҳол —2000" театр фестивали қатнашчиларининг МАКТУБИ

Муҳтарам Ислом АБДУҒАНИЕВИЧ!

Биз, "Ниҳол — 2000" театр фестивали қатнашчилари, ёшларга кўрсатаётган беқиёс ғамхўрлигингиз ва яратиб бераётган катта имкониятларингиз учун сизга ўзимизнинг миннатдорлигимизни изҳор этамиз.

Сизнинг Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигини таъминлаш, мамлакатни ҳар қандай таҳдидлардан, хавф-хатарлардан, керак бўлса, жонимизни ҳам аямай ҳимоя қилишимиз лозим, деган ўгитларингиз ҳар биримизнинг қалбимиздан чуқур ўрин эгаллаган.

Мазкур театр кўриги миллий ғоя ва миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш ҳозирги кунда жамиятимиз ҳаётидаги энг муҳим ва долзарб масалалардан бири бўлиб турган пайтда ўтаётганлиги ҳамда унинг йўналиши, мақсади, мазмуни шу юксак тушунчалар руҳи ила суғорилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Театр санъати фестивали биз ёшларнинг ғайратимизга ғайрат қўшди, ўзимизга ишончимизни оширди.

Фестивал иқтидоримиз, билимларимиз ва айниқса, дўстлигимизнинг улкан намойишига айланди. Биз тенгдошларимиз билан нафақат яқиндан танишиш, балки бугунги изланишларимиз борасида фикр алмашиш, келажакдаги режаларимиз ҳақида очиқ суҳбатлашиш имкониятига эга бўлдик.

Барчамизнинг дилимиздаги эзгу мақсадимиз битта. У ҳам бўлса, ўз соҳамизнинг етук мутахассиси бўлиш, жонажон Ўзбекистонимиз келажагини барпо этишда фидойилик кўрсатиш, Сизга муносиб фарзанд бўлишдир.

Биз ҳам ватанимизни Сиздек севишга, унинг келажаги тўғрисида Сиздек қайғуришга, она халқимизга Сиздек содиқ бўлишга астойдил ҳаракат қиламиз.

Сизга узоқ умр, биз, фарзандларингиз бахтига доимо соғ-саломат бўлишингизни тилаймиз!

Республика талабалари "Ниҳол — 2000" театр фестивали қатнашчилари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

Бугун мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга устувор йўналиш сифатида қаралаётгани бежиз эмас. Негаки, кичик ва ўрта бизнес ҳар бир мамлакат аҳолисининг фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Республикамизда бунинг ҳуқуқий асослари «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида»ги қонунда тўлиқ кафолатланган. Хўш, ушбу ҳуқуқий ҳужжатнинг жойлардаги ижроси қандай кечмоқда? Унга нечоғли амал қилинмоқда? Олий Мажлис Иқтисодиётни ислоҳ қилиш масалалари ва тадбиркорлик қўмитасининг кеча бўлиб ўтган йиғилишида ана шу қонуннинг Қашқадарё вилоятидаги ижроси муҳокама қилинди. Йиғилишни қўмита раиси М. Умаралиев олиб борди.

Қашқадарё вилояти ҳокими ўринбосари Ш. Назаровнинг ушбу масала бўйича ахбороти тингланди. Йиғилишда таъкидланганидек, ўтган вақт мобайнида ушбу қонун ижроси борасида муайян ишлар амалга оширилган. Шунингдек, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга қаратилган меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган. Маълумотларга қараганда (шу йилнинг январ ойидаги ҳолатига кўра), вилоятда 11944 та кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик корхоналари мавжуд. Мазкур корхоналар томонидан 1998 йилда 2,6 миллиард, 1999 йилда эса 5,8 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган. Бундан ташқари, ўтган йил давомида 10886 та жисмоний шахс тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланган. Айни пайтда кичик ва хусусий тадбиркорлик корхоналари учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш мақсадида вилоятда иккита бизнес инкубатор ва бизнес мактаби фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, Қашқадарёда ўтган йили тижорат банкларининг жами 63 та бўлимлари орқали кичик ва ўрта бизнес корхоналарига 2 миллиард сўмдан зиёд кредитлар ажратилган. Хорижий кредит тузилмаларидан эса 1999 йилда режалаштирилган 2 миллион АҚШ доллари миқдоридаги бешта лойиҳадан 1,3 миллион долларлик тўртта лойиҳага кредит очилган.

Шу билан бирга, йиғилишда қонунни ижро этиш жараёнида йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонлар ҳам айтиб ўтилди. Жумладан, Қашқадарё вилоят ҳокимлиги кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиб, тасдиқлаган бўлса-да, уни амалга оширишга етарли даражада эътибор бермаяпти. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар камайиб бормоқда. Биргина вилоят солиқ идоралари томонидан 1998 йилда 4168 бор текшириш ўтказилган. Бундай давомсиз тафтишлар тадбиркорлик билан шуғулланаётганлар сони камайганлигига қарамасдан ўтган йилда 4606 (!) тага етган. Ҳатто, солиқ идоралари томонидан тўловларни ноқонуний ундириш ҳолларига ҳам йўл қўйилган. Масалан, Қарши шаҳри, Косон ва Шаҳрисабз туманларидаги тўққизта ишлаб чиқариш корхонасидан 1 миллион 834 минг 700 сўмлик солиқ ғайриқонуний равишда ундирилган.

1998-1999 йиллар давомида вилоят ҳокимлиги, унинг бўлим ва бошқармалари қабул қилган кичик ва хусусий тадбиркорлик масалаларига оид, ҳамма учун мажбурий бўлган меъёрий ҳужжатлардан бирортаси ҳам вилоят адлия бошқармаси ҳуқуқий экспертизасидан ўтказилмаган. Устига устак, оммавий ахборот воситаларида эълон ҳам қилинмаган. Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига қонунда белгиланган шароит яратилмаганлиги уларнинг фаолиятини тугатишга олиб келмоқда. 1999 йилда вилоят бўйича 1921 та ана шундай корхона тугатилган. Вилоят тижорат банклари тадбиркорлик субъектларига қисқа муддатли кредитлар ажратган. Лекин 1999 йилдаги кредитларнинг 94,2 фоизи нимагадир савдо учун ажратилган. Атиги 5,8 фоизи эса қишлоқ хўжалиги, қурилиш, ишлаб чиқариш соҳаларига берилган. Энг ачинарлиси, шу йилнинг 22 феврал ҳолатига кўра, тижорат банклари томонидан тадбиркорларга микрокредитлар ажратиш учун маъқулланган 20,8 миллион сўмлик 36 лойиҳага «Бизнес фонд»нинг вилоят бўлими айби билан маблағ ажратилмаган.

Қўмита мажлисида сўзга чиққан депутатлар, манфаатдор вазирлик ва идоралар вакиллари вилоятда «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида»ги Қонунни ижро этиш борасидаги ишларни яхшилашга қаратилган таклиф ва мулоҳазалар билдиришди. Қўмита қабул қилган қарорда мавжуд камчиликларни бартараф этишга оид тавсиялар берилди.

Йиғилишда, шунингдек, «Ижара тўғрисида»ги қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш масаласи ҳамда қўмитанинг 2000 йилдаги иш режалари муҳокама қилинди.

Мажлис ишида иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари Б. Бугров муҳокама этилган масалалар юзасидан ўз мулоҳазаларини билдирди.

Ф. САНАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Мустақиллик иншоотлари

МИННАТДОРЛИК ТИМСОЛИ БЎЛИБ...



Ҳафта сайин фарзандларим ва набираларим билан бошлашиб, Юнусобод қайдасан, деб йўлга тушамиз. Бу ерда очилган янги манзара кўзингни қувнатади. Бўзсув ёқасида, шундоққина телеминора тагида ажойиб маҳобатли бир қурилиш бораяпти. «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи тобора қад ростлаб, дилни яйратадиган даражада чирой касб этмоқда.

Ҳаммаси бир йилгина муқаддам — 1999 йилнинг 12 апрели куни Президентимиз Ислом Каримов имзо чеккан Фармондан бошланди. Мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш бўйича катта иш бошланди. Бир томонда ҳайъат аъзолари мустабид тузум даврида шаҳид кетганлар номини аниқлаш борасида иш олиб бораётган бўлса, иккинчи томонда муҳандислар, қурувчилар уларнинг хотирасини абадийлаштириш учун олиб борилаётган қурилишда ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

Кўп ўтмай, не-не сир-синоатларни тубида яшириб оқиб турган Бўзсув ўзани мармар билан қопланиб, икки соҳилда гулзор барпо бўлади. Бу обидда зиёратчилар алоҳида ҳурмат-эътибор ва эъзоз билан қадам ранжида қиладиган қутлуғ даргоҳ бўлиб қолади.

Холида АҲРОРОВА,
Нуъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ
(суратлар).

ЧОРАК ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида Вазирлар Маҳкамасининг республика агросаноат мажмуининг жорий йил I чоракдаги фаолияти натижаларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда республика вазирликлари ва идоралари раҳбарлари иштирок этдилар. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Б. Ҳамидов олиб борди.

Мажлисда жорий йилнинг I чорагида агросаноат мажмуи вазирликлари ва идораларининг ижтимоий-иқтисодий ривожи масалалари кўриб чиқилди. Йўл қўйилган қолоқликларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланди. Ғалла ўриш комбайнларини мавсумга тайёрлаш, чигит ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини экишни якунлаш, агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш масалалари муҳокама этилди.

Қишлоқда бозор ислоҳотларини амалга ошириш масалаларига, жумладан, хўжаликларни қишлоқ хўжалиги кооперативларига (ширкатларга) айлантириш, одамларни ишга жойлаштириш, деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

(ЎзА).

ТАШРИФ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

Расмий ташриф билан мамлакатимизга келган АҚШ Давлат котиби Мадлен Олбрайт Тошкентдаги Аёлларни соғломлаштириш марказининг очилиш маросимида иштирок этди. У маросимда сўзга чиқиб, мазкур марказнинг очилиши Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик тобора ривожланиб бораётганининг ёрқин мисоли эканини таъкидлади. Америка Халқаро соғлиқни сақлаш иттифоқининг (AIHA) кўмаги билан ташкил қилинган тиббий марказ Ўзбекистон аёлларининг соғлиғини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, деди у.

Марказ иши аёлларда учрайдиган касалликларни аниқлаш ва даволаш, оилани мустаҳкамлаш борасида маслаҳатлар бериш, соғлом ҳаёт тарзини тарғиб қилишга йўналтирилган.

АҚШ Давлат котиби Тошкентдаги божхона коллежига ҳам ташриф буюрди. Меҳмон коллеж ўқитувчилари ва талабалари ҳузурида сўзга чиқиб, Ўзбекистон раҳбариятининг давлат чегараларини мустаҳкамлаш, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасида юритаётган изчил сиёсати ва саъй-ҳаракатларига юқори баҳо берди.

— Чегаралар хавфсизлиги АҚШ сиёсатида ҳам муҳим ўрин тутади, — деди Мадлен Олбрайт. — Шу боис АҚШ Марказий Осиёда чегаралар хавфсизлигини таъминлашда Ўзбекистон билан ҳамкорликни кенгайтирмоқда. Шу мақсадда Ўзбекистонга ёрдам сифатида 3 миллион доллар ажратишга қарор қилинган. Маблағ террорчилик, оммавий қирғин қуроллари ва оддий қурол-аслаҳалар ҳамда гиёҳванд моддалар контрабандасига қарши кураш учун малакали кадрлар тайёрлаш ва техник анжомлар сотиб олишга сарфланади.

АҚШ Давлат котиби Ўзбекистон мусулмонлари идорасига ташриф буюриб, муфтий Абдурашид Баҳромов билан учрашди.

Шу билан АҚШ Давлат котиби Мадлен Олбрайтнинг Ўзбекистонга ташрифи ниҳоясига етди.

(ЎзА).

ПРЕЗИДЕНТЛАР УЧРАШУВИ ТЎҒРИСИДА

Шу йилнинг 20-21 апрел кунлари Тошкентда Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентларининг учрашуви бўлади.

Учрашувда минтақавий ҳамкорлик ва Марказий Осиё давлатларининг ўзаро муносабатлари масалалари кўрилади.

(ЎзА).

ҲАМКОРИМИЗ — ФОНТИС

Европа Иттифоқи Комиссияси ТАСИС дастурининг Ўзбекистонда таълим тизимини ислоҳ қилишга кўмаклашишга йўналтирилган икки йиллик лойиҳасини амалга ошириш натижаларини "аъло"га баҳолади. Лойиҳадан кўзланган мақсад республикадаги олий ўқув юртлари ва мактабларда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини жорий этишни қўллаб-қувватлашдан иборат эди.

Бу ишни амалга оширишдаги ҳамкоримиз Нидерландия университетлари консорциуми ФОНТИС бўлди. Ҳамкорлик бир неча йўналишлар бўйича олиб борилди. Улар давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш, таълим тизимини бошқариш, уни ялпи тарзда молиялаш, ўқув муассасаларида бюджетдан ташқари маблағларни шакллантириш, ўқув жараёнини ахборотлаштириш каби йўналишлардан иборат.

Лойиҳани амалга ошириш учун иккита олий ўқув юрти — Қарши Давлат университети ва Тошкент Архитектура-қурилиш институти ҳамда Қашқадарё ва Тошкент вилоятларидаги 11 та мактаб танлаб олинди. Бир неча ўқитувчилар гуруҳлари Европадаги нуфузли олий ўқув муассасаларида малака оширишди. Бундан ташқари, Ўзбекистонда улар учун илғор педагогик ва ахборот технологияларини эгаллаш ўқув курслари ташкил этилиб, машғулотларни хорижий мутахассислар олиб боришди. Ҳозирги пайтда мазкур олий ўқув юртлари ва мактабларда ўқув жараёни Интернетга уланган энг замонавий компьютер техникаси ёрдамида олиб борилмоқда, уларнинг кутубхоналарида хизмат кўрсатиш бўйича янги ахборот тизими жорий этилган.

Ўзбекистонда таълим тизимини такомиллаштириш бўйича тайёрланган ва нашр этилган 29 услубий қўлланма ТАСИС лойиҳасининг амалий натижасидир. Бугунги кунда улар республикамизнинг барча олий ўқув юртлари ва мактабларида қўлланилмоқда.

ТАСИС лойиҳасини амалга оширишдаги бевосита ҳамкоримиз — Нидерландия университетлари консорциуми ФОНТИС Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликка юқори баҳо берди.

Шу муносабат билан Тошкентда янги, янада узоқ муддатли битим тузилди. Уни Олий ва ўрта махсус таълим вазири С. Ғуломов, Халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев ва ФОНТИС консорциуми вице-президенти И. Хубен имзолашди.

Мазкур ҳужжатда Ўзбекистон Республикасида таълим тизимини ривожлантиришга доир бир қанча янги лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган. Лойиҳалардан бири ўқитишнинг масофадан туриб таълим бериш каби илғор шакли билан боғлиқ. Шунингдек, дарсликлар, қўлланмалар ва дастурларни биргаликда ишлаб чиқиш, ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, улар учун хорижий стажировкалар ташкил этиш, консалтинг хизматларини тузиш, талабалар айирбошлашни ривожлантириш режалаштирилмоқда. ФОНТИС билан ҳамкорликни кенгайтириш Ўзбекистоннинг халқаро таълим дастурларида иштирок этиши ва бугунги кунда амалда бўлган қўшма лойиҳаларни узайтириш имкониятларини кенгайтиради.

— Биз узоқ муддатли, ўзаро фойдали ҳамкорлик тарафдоримиз, — деди битимни имзолаш маросимида Нидерландия университетлари консорциуми ФОНТИСнинг вице-президенти Иоан Хубен. — Биз Ўзбекистонда таълим тизимидаги ислоҳотларни юқори малакали мутахассислар амалга ошираётганига ишонч ҳосил қилдик. Мамлакатингизда татбиқ этилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ўзига хос бўлиб, бутун дунёда катта қизиқиш уйғотмоқда. Янги педагогик технологияларни ўзаро алмашиш, ўқитишнинг янги усулларини жорий этиш Ўзбекистоннинг халқаро интеграциясига кўмаклашади, таълим соҳасидаги алоқаларни янада юқори даражага кўтариш имконини беради.

А.ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

САМАРҚАНД ЖАҲОННИ МАФТУН АЙЛАДИ

ёки халқаро Лион кўргазмасида юртдошларимиз маҳорати юқори баҳолангани хусусида

Гўзал фаранг диёрининг Лион шаҳрида ўтказилган халқаро кўргазма кўҳна Самарқанднинг халқ амалий санъати ва бадиий ҳунармандчилик борасидаги имкониятларини кашф этди. Қўли гул усталаримиз маҳорати томошабинларни мафтун айлади, уларнинг мустақил Ўзбекистонимизга бўлган қизиқишлари, интилишлари янада ортди.

«Евроэкспо» деб номланган мазкур ярмаркада дунёнинг 20 дан ортиқ мамлакати вакиллари иштирок этдилар. Унга ташриф буюрган томошабинлар сони эса 500 минг нафардан ошди. Мухбиримиз кўргазма қатнашчиси, Самарқанддаги вилоятлараро «Усто» бирлашмасининг бош директори Жўрақул ИНОЯТОВ билан ушбу кўргазма таассуротлари хусусида суҳбатлашди.

— Жўрақул Баҳриддинович, суҳбатимизни Самарқанд делегациясининг Францияга ташрифидан бошласак.

— Бизни Парижда жуда самимий кутиб олишди. Мамлакатимизнинг Франциядаги элчиси Тоҳир Мамажонов ва элчихона ходимлари билан илиқ сўрашар эканмиз, жонажон Ўзбекистонимиздан олис фаранг диёридаги тафтни, бу ердагиларнинг юртдошларимизга бўлган меҳрини ҳис этдик. Давлат байроғимизнинг ҳилпираб туриши қалбларимизни тўлқинлантириб юборди. Париждан Самарқандимиз билан бирodarлашган шаҳар — Лионга поездда жўнадик. Элчихонамиз вакиллари бизга ҳамроҳлик қилишди. Меҳмонхонага жойлашиш ва бошқа барча ташкилий ишлар Лион мэрияси зиммасида экан. Ярмаркага бориладиган асосий магистрал йўл бўйида Самарқанддаги Регистон ансамблининг улкан рангли расми ўрнатилганини кўриб, она шаҳримиз, гўзал юртимиздан беқиёс фахрландик. Ва яна бир қувонганимиз, Ўзбекистон делегацияси учун ярмарканинг асосий саҳнаси ёнида, «маълумот-ахборот» маркази қаршисида энг кўзга кўринарли жой ажратилган эди.

— Табиийки, халқаро кўргазма фаолияти, унда, хусусан, Ўзбекистон вакилларининг иштироки муштарийларимизни қизиқтиради...

— Албатта. Биз миллий ҳунармандчилик асарлари — кулолчилик, зардўзлик, мусиқа асбоблари, каштачилик, шарқона миниатюра, ёғоч ўймакорлиги ва бошқа амалий декоратив санъат асарларини намойиш этдик. Кўплаб хорижий давлатлар вакиллари экспонатларимизни зўр қизиқиш билан томоша қилишди. Ярмарка дирекцияси томонидан тузилган дастурга мувофиқ кўргазма давомида ҳар бир мамлакат учун куннинг биринчи ёки иккинчи ярмида марказий саҳнадан фойдаланиш тартиби белгилаб қўйилди. Ҳар бир мамлакатга ўзига хос санъати, миллий таомларини намойиш этиш имконияти яратилди. Бизга навбат берилди. Кулолчилик асарлари, гилам ва сўзаналар, «Шоҳи Зинда» мажмуаси расми, «Самарқанд» ёзуви ҳамда «Самарқанд» ва «Наврўз» сўзлари акс эттирилган машҳур Галаосиё нонлари, Шарқ ширинликлари, мевалар жойлаштирилди. Кўргазмага 1,5 тоннадан ортиқ 20 турдаги халқ амалий санъати намуналари олиб келинган эди. Кулоллар, зардўзлик, гиламдўзлик, мусиқа асбоблари усталари санъатларини намойиш этдилар. Хорижликлар уларнинг сеҳрли қўлларида тайёрланиб, сайқал топаётган мўъжизавий буюмларга ҳайрат билан боқишди.

Шу ернинг ўзида Лион телевидениесининг машҳур сухандони очиқ мулоқот уюштирди. Унда Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинаётганлиги, Ўзбекистон — Франция, Самарқанд ва Лион шаҳарлари ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларни мустаҳкамлаш, иқтисодиётни ҳамда коммунал хўжалик тизимини янада ривожлантириш ҳақида алоҳида сўз юритилди.

— Марказий саҳнадаги энг характерли ҳолатлар нималарда кўринди?

— Ҳунармандларимиз ишларини кузатган томошабинлар амалий санъатимизга юқори баҳо беришганида, ҳаммамиз ғурурландик. Бундай санъатни ривожлантириш, ҳунарманд усталарни қўллаб-қувватлаш борасида давлатимиз томонидан олиб борилаётган кенг қамровли ишлар ҳақида гапирганимизда, улар бу янглиғ эзгу ишлар жаҳоннинг камдан-кам мамлакатида бўлишини эътироф этишди. Шундоққина саҳна ёнидаги ошхонада ошпаз М. Хидиров тайёрлаган ўзбек миллий таоми — паловни татиб кўрувчилар 200 нафардан ошиб кетди. Ярмарка дирекцияси кўргазма иштирокчилари томонидан тушган таклифларга асосан, гарчи бизга ажратилган вақт тугаса-да, куннинг иккинчи ярмида кўргазманинг бошқа саҳнасида «Самарқанд тароналари» дастаси концертини давом эттиришга чорлади.

— Халқаро кўргазманинг энг аҳамиятли жиҳатлари ҳақида деб тўхталсангиз?

— Бундай кўргазмалар илгарилари ҳам бўлган. Аммо уларда асосан раҳбарлар иштирок этишган. Халқаро Лион ярмаркасида эса халқ амалий санъати вакилларининг, мутахассисларнинг қатнашиши катта воқеа бўлди. Эътироф этиш керак, Мустақиллик туфайлигина шундай имкониятга эга бўлдик. Ҳунармандлар ўз меҳнатлари қанчалик қадрланишини ҳис этишди. Бу улардаги ташаббускорлик ва ижодкорликни янада оширишига шубҳа йўқ.

Бир қанча мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш борасида фойдали музокаралар олиб борилгани ҳам аҳамиятлидир. Жумладан, Самарқанд шаҳрида 2001 йилда сутни қайта ишлашга мўлжалланган минизавод очиш, уни замонавий технология билан таъминлаш ва қурилиш ишларини молиялаштириш юзасидан Самарқанд шаҳридаги «Ориён» фирмаси ва Лион шаҳри товар ишлаб чиқариш палатаси ўртасида келишиб олинди. Шу йил май ойида Лион делегациясининг Самарқандга ташрифи чоғида бу масала ниҳоясига етади. Кулолчиларимиз маҳоратига қойил қолишган тунисликлар Самарқандда черепица ишлаб чиқариш қўшма корхонаси барпо этишни таклиф этишди. Ўтказилган давра суҳбатларида Никарагуа, Тунис, АҚШ мамлакатлари ва Россиянинг Санкт-Петербург шаҳри делегациялари билан бизнесни ривожлантиришда ҳамкорлик қилишга келишиб олинди.

«Халқ сўзи» мухбири
Абдурасул САТТОРОВ
суҳбатлашди.

МАНФААТЛАР УЙҒУНЛАШГАНДА

Янги таркибда шаклланган иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси фаолиятининг дастлабки қадамлариданоқ янгича руҳ ва ёндашувни кузатиш кийин эмас. Айни пайтда барча қўмита ва комиссиялар жорий йилга мўлжалланган иш режасига мувофиқ конунчилик фаолиятини бошлаб юборди. Мухбиримиз Олий Мажлиснинг қўмита ва комиссиялари рахбарларига "2000 йилда кандай мухим масалалар режалаштирилган?" деган савол билан мурожаат килди.

Саволга дастлаб Олий Мажлис Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озик-овкат қўмитаси раиси Искандар КАЛАНДАРОВ жавоб берди:

– Мен, аввало, қўмитамизнинг бугунги таркиби ҳақида айтмоқчиман. Қўмитамизга 17 нафар депутат аъзо бўлиб, Миллий тикланиш партиясидан ташқари Парламентга бўлган сайловда иштирок этган барча субъектлар блок ва фракцияларининг вакиллари бор. Бу қўмитамизда кўриладиган масалаларда томонларнинг манфаатлари, албатта, инобатга олиниши ёки ифодаланишини англатади. Бир сўз билан айтганда, манфаатлар уйғунлашади.

Биз қўмитанинг 2000 йилга мўлжалланган иш режасини тайёрлашдан олдин Парламентдаги блок ва фракцияларнинг таклифларини олдик, мавжуд ҳолат ва муаммоларни атрофлича таҳлил қилдик. Блок ва фракциялар ўзларининг йиғилишларида уни тағин қараб чиқишди. Ана шундан кейин режа лойиҳаси Олий Мажлис Кенгашига тақдим этилди. Кенгашда яна бир бор муҳокама қилинди. Билдирилган таклиф ва мулоҳазалар асосида уни қайта кўриб чиқдик. Қўмитамиз ҳозир ана шу режа асосида фаолият юритаяпти.

Маълумки, мамлакатимиз раҳбари барча соҳаларни эркинлаштириш масаласини ўртага қўйдилар. Биз қўмитамиз вазифаларидан келиб чиққан ҳолда «Аграр муносабатларни эркинлаштириш" мавзусида депутатлар, шу соҳа мутахассислари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида "Давра суҳбати" ўтказдик. Айтиш жоизки, бу давра суҳбати бизнинг дастлабки йирик тадбирларимиздан бири бўлди. Унда кўпдан-кўп таклифлар, фикр-мулоҳазалар билдирилди. Биз ана шундай тадбирлар воситасида беш йиллик фаолиятимизни ҳам режалаштириб оламиз.

2000 йилда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш субъектларининг мустақиллигини таъминлаш бўйича ҳуқуқий меъёрларни такомиллаштириш, қишлоқ хўжалигида мулкчилик муносабатларини шакллантириш, чет эл инвестицияларини жалб этиш масалалари бўйича илмий-амалий семинарлар ўтказишни режалаштирганмиз.

Қонунчилик фаолиятига келганда, шуни айтиш мумкинки, қўмитамиз жорий йилда "Ўсимликларни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги янги қонун лойиҳасини тайёрлашни режа қилган.

Ҳаёт – мураккаб, ҳаёт – ўзгарувчан. Шундай экан, табиийки, қонунлар ҳам ўзгаради, қонунлар ҳам вақт ўтиши билан янгиланади. Жорий йилда давр тақозосига кўра, "Ер кодекси", уруғчилик, қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги), ўсимликлар карантини, ўрмон ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларга бир қатор қўшимча ва ўзгартишлар киритиш устида иш олиб борамиз.

2000 йилда қўмитанинг назорат-таҳлил фаолияти ҳам анча самарали бўлади. Сирдарё, Самарқанд, Қашқадарё ва Наманган вилоятларида айрим қонунларнинг ижросини ўрганишни режалаштирганмиз. Шунингдек, амалдаги қонунларнинг муайян бир вазирликдаги ижросини ҳам таҳлил қилмоқчимиз.

Булар ҳали ҳаммаси эмас. Чунки давр – шиддаткор. Ҳозирги техника ва тараққиёт асрида янада шитоб билан ҳаракат қилиш лозимлиги шубҳасиз. Ҳафта кунни, ой ҳафтани янгилай боради. Шундай экан, режаларимизга яна айрим масалалар қўшилиши, уни бойитиши ва сермазмун қилиши табиий.

"Халқ сўзи" мухбири Исмат ХУДОЁРОВ ёзиб олди.

САРМОЯНИ САВОБГА САРФЛАБ...

Бугурдоқ қишлоғида бугун алоҳида жонланиш. Ҳаммaнинг тилида – савол, кўзларида – ҳайрат, кўнглида – орзу, иштиёқ.

Аввало, саволларни тинглаб кўрайлик: «Ассалом» деҳқон-фермер хўжалиги олти гектар картошкани қандай эпларкин?» «Помидор ҳам экишяптими?». «Ўн уч гектарга-я?». «Бу йил кўзлашган 20 миллион сўмлик даромадни чиндан ҳам олишармикин?»...

Саволлар кўп. Асл касби қурувчи-муҳандис бўлган тадбиркор Бахтиёр Раҳмоновнинг қулоғига бу саволлар чалиниб қолса, кулибгина кўяди, холос. Беш йилки, унинг ҳаракатлари бўлакча. Дастлаб кичкинагина макарон цехи, новвойхона очди. «Бизнес-фонд»дан кредит олиб, сабзавот ва меваларни қайта ишлайдиган мўъжазгина корхона қурди. Деҳқончилик ерлари 22 гектарга етди. 42 ишловчи эрта-кеч далада. Картошка гуркираб турибди. Ҳализамон гул кўрсатади. Помидор ғунча боғлайди. Бу йил 150 тонна томат ёпиш ниятлари бор. Юқоридаги каби саволлар қулоғига чалинса, Раҳмоновнинг чеҳраси ёришиши шундан.

Одамларнинг ҳайратлари ҳам бежизмас. Чунки Раҳмонов – бағри-дили ланг очиқ одам. Ниятлари – тили учида. Шу кунларда у ўз корхонасида қайта ишланган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қадоқланадиган бир линияни барпо этиш ҳаракатида юрибди. Меваларни, картошка, сабзи, пиёзларни қуритиб, Россия бозорларида Хатирчи неъматлари билан савдо қилмоқчи. Томатлар, мева шарбатларини, қиёмларни ихчам, бежирим қадоқлаб, хориж харидорлари билан муомалага чиқмоқчи. Раҳмонов гапини ерда қолдирмаслигини хатирчиликлар яхши билишади.

Раҳмоновча қадамлар – уни таниган, тадбиркорлик ишлари билан таниш одамлар кўнглидаги орзу. Буғурдоқда ҳамма унинг ишларига ҳавас қилади, элим, юртим учун шундай ишлар қилсам, деган ният билан яшайди.

Ахир, тиниб-тинчимас бир тадбиркор ўз қишлоғидаги 15-мактабда математика ва инглиз тилини қунт билан ўрганишга киришган ўн ўқувчига стипендия тайинлаган бўлса, бир кун келиб ўзи ҳам шундай ишларга қўл уришни орзу қилмаслик мумкинми? Сурункасига беш марта «Ассалом» стипендиати бўлган ўқувчига олий таълим олиши учун барча харажатларни Раҳмонов тўламоқчи.Стипендиатларнинг билим даражаси ҳар уч ойда тест усули билан синаб бориляпти.

Ёки «Гўзал» боғчаси «Ассалом»дан узлуксиз олиб турган макарон ва нон маҳсулотларини айтайми? Туман поликлиникасининг ўнта муолажа хонаси унинг ҳисобидан таъмирлаб берилганига нима дейсиз? Ёрдамга муҳтож оилалардан совға-саломлар билан ҳол сўраб туриш ҳам таҳсинга лойиқ, албатта.

Билим юртида сув муаммоси бор эди. Тадбиркор бунинг ҳам иложини қилди. Ўз жамғармасидан 150 минг сўм ажратиб, насос ўрнатди.

Бахтиёр Раҳмоновни беҳудага Хатирчи юлдузи дейишмайди. Унинг фаолияти кишилар дилида иликлик, ҳаракатга иштиёқ уйғотяпти.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ҚИЗИЛҚУМДА БАҲОР

Айни кунларда Қизилқум яйловлари ўзгача манзара касб этган. Баҳор ўзининг кўм-кўк либосини ёйгани боис, саҳро чиройига янада чирой қўшилган. Саксовулларнинг майда гуллари хушбўй ҳид таратса, адирлардаги майсалар баҳор шамолида тебранади.

Хоразм вилоятининг Боғот туманидаги Искандар Дўсов номидаги жамоа ширкат хўжалиги чорвадорлари бу йилги қўзилатиш мавсумини мана шу Қизилқум яйловларида ўтказишмоқда.

Ҳозир жамоанинг 500 бош қўйи яйловларда боқиляпти. Муҳими, чорвадорлар тўл олиш мавсумини намунали якунлашмоқда.

СУРАТЛАРДА: бош чўпон Амин Маткаримов шогирдлари билан; Қизилқум яйловларида.



Рўзмат ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар.

Маънавият булоқлари

ХЎЖАИЛМКОНИНИ БИЛАСИЗМИ?

Китоб туманидаги иқтисодий-ижтимоий юксалишлар ҳақида сўз кетгудек бўлса, бугун ҳар бир китобликнинг айтадиган сўзи борлиги тайин. Кейинги икки-уч йил туман маънавий ҳаётида сезиларли юксалиш йили бўлди."Умид" деб номланувчи маънавият ва маданият саройи, 900 ўринли касб-ҳунар коллежи қурилиши, мактаб-боғча... Айниқса, Ҳазрати Султон, Хўжа Испароз, Хўжаилмкони каби тарихий обидаларнинг қайта таъмирланиши халқимиз кўнглидаги иш бўлди. Хўш, ушбу қадамжоларнинг миллий меросимизнинг узвий бир қисми деб аталишига сабаб нимада?!

Тарихий асарларда ёзилишича, Шайбоний Абдуллахон II даврида, тахминан 1570 йилларда Хўжаилмкони қишлоғида мажмуа бунёд этилган. 40 хоналик мадраса ва кутубхонани ўзига бирлаштирган бу илм масканни Хўжаилмкони мажмуаси деб юритила бошланган.

Ўша даврда Китоб, хусусан, Хўжаилмкони қишлоғига эътиборнинг юқорилигига сабаб, бу ерда 1504-1600 йилларда Нақшбандия тариқатининг йирик намояндаси ҳазрат Хўжакий ал-Имканагий яшаганлар ва фаолият кўрсатганлар. Эътироф этиш жоизки, мазкур қишлоқ нафақат ислом оламининг Нақшбандия марказига, илм-маърифат соҳиблари йиғиладиган даргоҳга ҳам айланган.

Хўжаилмкони мажмуидан Сағана ва Хонақоҳ биноси бизгача етиб келган холос. Не-не истилолар, босқинлар, хорлигу зорликлардан омон қолган ушбу осори атиқалар юртимиз мустақилликка эришгач, мана, энди қадрини топди.

Г. ҲОШИМОВ.

ПИЛЛА ЯНА КЎПАЯДИ

Жиззах вилояти пиллакорлари қурултойида ана шу қарорга келинди.

Бу бежиз эмас. Ўтган йили режада белгиланган 300 тонна ўрнига 333 тонна «кумуш тола» етиштирилганди. Қимматбаҳо саноат хомашёсини ҳатто хорижга сотиш имконияти бўлди. Пиллачилик идораларининг моддий-техника базаси бир қадар мустаҳкамланди.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг яқинда қабул қилинган «Пиллачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш ва ипакчилик маҳсулотлари етиштириш ҳажмларини кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига жавобан вилоят пиллакорлари бу йил 8300 қути ипак қуртини парвариш қилиш ва 370 тоннадан зиёдроқ ҳосил етиштиришни режалаштирдилар.

Анжуманда қатнашган вилоят ҳокими Ш. Мирзиёев ҳамда республика «Ўзбек ипаги» уюшмаси бошқаруви раиси А. Аҳмадалиевлар пиллакорларнинг режадаги сифатли ҳосилни етиштириш йўлидаги фаолиятларига омад тиладилар. Илғор пиллачиларга мукофотлар ва эсдалик совғалари топширилди.

Кўшхабар

ДАСТУР ИЗЛАНИШНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

Жиззахда бўлиб ўтган «Аниқ ва табиий фанлар йўналишидаги ўқув режа ва дастурлар асосида ўқувчиларнинг билимларини шакллантириш муаммолари»га бағишланган республика амалий семинар-кенгаши иштирокчилари асосий эътиборни «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг ҳаётга қандай тадбиқ этилаётганига қаратишди. Вилоятда ўрта махсус, касб-таълим тизимини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган изланишлар билан қизиқишди.

Семинар-кенгаш қатнашчилари Жиззахдаги академик лицей ўқитувчиларининг ноанъанавий дарсларида қатнашиб, машғулотлар юқори савияда ўтилаётганини қайд қилдилар.

Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамда вилоят ҳокимлиги томонидан ўтказилган анжуман иштирокчилари соҳани ривожлантириш учун тинимсиз изланишлар зарурлигини қайд этдилар.

Б. САТТОРОВ.

Ёзувчи ён дафтаридан

ДАНҒАРАДА ЎЗГАЧА ШИДДАТ

Ўрта бўйидан хиёл новчарок, кенг елкали, тўладан келган, қадамларини шиддат билан босадиган, ташвишларининг кўплиги, бажарилиши зарур бўлган ишларига вакти етиб-етмай қолаётганлиги, қаёккадир шошилаётганлиги кўзларидан шундоккина сезилиб турадиган ҳамроҳим билан дала кезиб юрибмиз. Саволимга лўнда-лўнда жавоб қайтаради. Чигит экишга тайёр далаларга, ерни коплаб, хийла бўй тортиб колган буғдой майсаларига, оппок-оппок гулларини тўкиб, барг чикара бошлаган ўрикзорларга, кизғиш гуллари ловуллаб турган шафтолизорлару олмазорларга, йўл киргокларидаги, пайкаллар атрофидаги тутзорларга караб, "буларни пайкашдими?" деган маънода бизга:

– Чиройли-а, жуда чиройли, – дейди Муроджон Норматов қувончини яширолмай. — Қаранг, барисига шакл берилган, таглари ҳашаротга қарши оқланган, юмшатилган... Жону дил билан ишлайдиганлар шундай кўп-ки...

У йўл-йўлакай бригада бошлиқлари, сувчилар, тракторчилар, боғбонларнинг номларини бир-бир тилга олиб, худди мен уларни яқиндан танийдигандай:

– Уларнинг ҳар бири ҳақида ёзса бўлади, — дея сўзида давом этади. — Булар ҳар қадамда орномусни, қишлоғининг обрўсини, фарзандлари келажагини ўйлайдиган тоза одамлар. Мана бу бригада пайкалларига бир тушиб ўтайлик. Саиджон Мадалиев бошлиқ бригада аъзолари бу йил аламдан чиқиш учун кечани кеча, кундузни кундуз демай меҳнат қилишяпти.

– Қандай аламлари бор уларнинг?

– Бошқа ҳамма тармоқларнинг режаларини ошириб-тошириб бажарганлари билан пахта топширишда оқсаб қолишди. Аламлари шу!

Тракторнинг гуриллаши машинамиз овозини босиб кетди. Сирдарё тарафга борадиган йўлнинг қибла томонидаги қум барханларига туташган, икки ёки тўрт қаторлик тут дарахтлари билан ўралган чўзиқ ер тепасига келиб тўхтадик. Пастга тушиб, пайкал ўртасидан нариги тарафга кетаётган тракторнинг қайтишини кутдик.

Тутзор орқасидаги даладан икки киши чиқиб, биз тарафга пешвоз юрди. Новчарок, қизил мағиздан келган, чувак юзлари офтоб нуридан қорая бошлаган йигитга биринчи бўлиб қўл узатган Муроджон:

– Ўтган куни қорайиб кетганингни гапирган эдим-а? У ҳам ҳолва экан. Баҳор офтоби фақат сенга тушяптими ўзи?– деди кулиб. Сўнгра у менга юзланди. – Танишинг, ҳозиргина сизга айтганим Саиджон шу киши бўлади. Буниси 3-ширкатимизнинг агрономи Меҳмонали Раимбердиев.

Муроджон Меҳмонали билан сўрашаётганда, Саиджон раис томонга ишора қилиб:

– Ўзларининг одам танимайдиган даражада қорайиб кетганлари билан ишлари йўқ – деди секингина...

Кулишдик.

– Ўтган йили ҳам шу ерга чигит экканмидинглар? – сўрадим ундан. Саиджон сўровимни бошқачароқ тушунди шекилли, кўзларини хижолат пардаси ўрагандай, ҳар бири маъсум ялтираб кетди, бир дақиқа ерга қаради.

– Йўқ, – деди кейин, – бу жойга бултур буғдой уруғи қадалган эди. Топширикни 125 фоиз бажарганмиз.

– Пахтадан ҳам шунча ҳосил оласизларми?

– Бу йилдан умидимиз катта. Ўтган мавсумда йиғим-теримнинг судралиб кетиши оқибатида кузги шудгорнинг кўп қисми баҳорга қолиб кетди. Ерларнинг шўрини икки мартадан ювишга зўрға улгурдик, бунинг устига, етилиши кечикди. Маҳаллий ва маъданли ўғит солишни ҳам ёлчитмадик.

Бу йилги манзара бутунлай бошқача! Мана, кўриб турибсизлар, қиш ичи ариқлар тозаланган. Ерларимиз кузакнинг ўзидаёқ ҳайдовдан чиқди. Шўри уч мартадан ювилди. Маъданли ўғитимиз ҳам, гўнг ҳам етарли. Кўзи очиқ одам, менинг ўйлашимча, башарти қоқинса ҳам, бир марта қоқинади. Кейин қадамини билиб босади.

– Яхши, ишга астойдил киришибсизлар. – дедим. – Ер сийлаганни сийлайди.

– Қишу баҳордаги ҳаракатимиздан ерларимиз ҳам хурсанд. Буғдой ҳосилдорлигини 50 центнердан, пахтани 35 центнердан оширамиз, деб турибмиз.

– Иккала елкангдаги фаришталар ҳар бир сўзингни ёзиб туришини биласанми? —луқма ташлади раис.

– Биламан, раис бува, биламан, – деди Саиджон.

Суҳбатга берилиб кетганимиздан, тракторчи Мамадали Худойназаровнинг пастга тушиб, даврага қўшилганини ҳам сезмай қолибмиз. У ўрта бўйли, истараси иссиқ йигит экан. Ерлар оби-тобидами ёки йўқлиги ҳақида сўрадик.

– Ҳар икки-уч гектар ернинг ўз эгаси бор, – деди у. – Шўр деган балони ювиб-ювиб йўқотишган. Ҳайдовдан олдин гўнглашган, маъданли ўғит солишган, баҳорги тайёрловда яна йиққанларини тўкишди. Улар тракторни шундай кузатишади-ки, "Худди кафтда юргандай юрсин", дейишади, хиёл саёз кетилган жойни дарров билишади, қайтадан ҳайдатишади.

– Бу йилги ишларимизнинг ўзгачалиги ҳам шунда, – изоҳ берди Саиджон. – Ерларни оилаларга уч йил муддатга шартнома асосида бўлиб берганмиз. Ишончни оқлаганлар уч йилдан кейин ўша ерга яна ўн йил эгалик қиладилар. Ердан айрилиб қолиш деҳқон учун қанчалик оғирлигини ким билмайди?!

Деҳқонлар билан хайрлашиб, яна йўлда давом этдик. Ногаҳон Саиджоннинг раис тўғрисида менга шивирлаб, "Ўзларининг одам танимайдиган даражада қорайиб кетганликлари билан ишлари йўқ" деб айтган сўзлари хаёлимга келди-ю, ҳамроҳимга қарадим. Муроджон Норматов чиндан ҳам қорайиб кетибди. Тумандаги энг йирик "Сирдарё" деҳқончилик-саноат ширкатлар уюшмаси бошқарувига йил бошидан бери раҳбарлик қилаётганини эслаб, "Қийналмаяптимикин? Илгариги бошқарувчи жамоанинг молиявий аҳволини оғирлаштириб кетганмикин?" деган ўйга бордим. Шу боис аввал:

– Бригадирдан кулдингиз-у, ўзингиз ҳам худди Африкадан келган одамга ўхшаб кетибсиз-ку? – дея ҳазиллашиб, сўнгра ўсмоқчилаб сўрадим: – Кимдир пачоқлаб кетган жойни ўнглаб олишдан қийини йўқ ўзи, нима дедингиз?

– Ҳай-ҳай, – деди Муроджон хунук сўз эшитгандай сергакланиб, – мендан илгари ишлаган раҳбар ҳам ўзимизники, ундан илгаригилари ҳам. Улардан нолишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Ким ёмон ишлай, дейди ўзи?! Масалан, ўтган йилни олинг. Донми, мевами, узумми, полизми, картошками, гўштми, сутми – бариси учун белгиланган режалар ортиғи билан бажарилган. Боғлардан 180 тонна ўрнига 200 тонна мева олинди, дон ҳосилдорлиги 44 центнерга етди. Битта нарса сал камроқ бўлса, ҳадеб юзга солиш инсофдан эмас. Биласиз-ку, ҳалол одамнинг, айниқса, деҳқоннинг териси юпқа бўлади. — у суҳбатни бошқа томонга бурди. — Ҳозир бир ерга борамиз.

Данғаралик деҳқонларнинг ерга меҳри, меҳнатга чидами қандай эканлигига ўзингиз баҳо берасиз.

Машинамиз дала йўлига бурилиб, кейин катта зовур ёқалаб юрди. Чор-атрофи уфққа туташган кенг далалар. Жамоага қарашли 4- ва 7- ширкатларнинг минг гектарга яқин экинзорлари шу ерда жойлашган экан. Ўнг тарафга қарасам ҳам, чап тарафга қарасам ҳам, экишга тахт қилиб қўйилган ерларнинг у ер-бу еридан ола-кула бўлиб сувлар чиқиб ётибди. Зовур эса сувга тўла...

– Қаердан келган бу сув?

– Зах сувларни дарё тортмаяпти, – тушунтирди Муроджон ва узоқда ишлаётган одамларни кўрсатди. – Қўшимча зовурлар қазишяпти. Уч мартадан марза олиниб, уч мартадан шўри ювилган ерлар бу! Барибир, захни тез кунларда қочириб, тезлик билан чигит ташлаймиз. Экишдан олдин пуштанинг тагини мўлроқ ўғитлаймиз. Астойдилмиз!

Сирдарё қирғоқларидаги тўқайларга туташ Шўркўл массивида зах қочираётган, чигит экаётган, буғдойзорларга ўғит бераётган, боғларни суғораётган, бошқа экинларни оралаб юрган Адҳамжон Ҳайдаров, Шарофатхон Аҳмедова, Носиржон Қўчқоров, Имомназар Маҳкамов сингари бригада бошлиқлари билан ҳам суҳбатлашгач, раис қатъий гапирганлигига ишондим. Зеро, 2600 нафар деҳқон меҳнат қилаётган далаларда натижа шундоккина кўзга ташланар, пайкалларнинг чиройи кўзни қамаштирарди. Ана шу ерларда кўп йиллар мобайнида тракторчи, бўлим бошлиғи бўлиб ишлаган, юзлари серажин, далада пишган Расулжон Маҳкамов қариганда фермер бўлиб, 15 гектар ерга чигит, 6 гектарга буғдой уруғи экибди. Унинг ғайратига ямяшил буғдойзорлару куни кеча чигит экилган майин пушталар офарин деяётгандай...

3-ширкат бошлиғи Қурбонали Ўрмоновни ҳам дарёнинг шундоқ яқинида учратдик. Унинг баҳор ҳавоси қизартириб юборган юзларидан соғломлик, бардамлик уфуриб турибди. Тракторчиликдан ширкат раҳбари даражасига кўтарилган Қурбонали миришкор деҳқонлар тажрибасидан, унга амал қилиб, эришилган ютуқлардан сўз очди. Худди шу шўрхокликда пахта устаси бўлиб бутун вилоятга танилган Турсунбой Холмирзаев (жойи жаннатда бўлсин) шогирдларининг бугунги довруғидан ғурурланишини изҳор этди.

Бу мавзудаги суҳбат Худойбердиев номли жамоа хўжалигида ҳам давом этди. Шу хўжаликка узоқ йиллар раҳбарлик қилган Ҳайдар ота Худойбердиевнинг (жойи жаннатда бўлсин) донишмандлиги, соддадиллиги, ўзини ўйламай, ҳамиша жамоа аъзоларининг тўкин яшаши учун курашгани ҳақидаги қизиқ-қизиқ воқеалар эсланди. Капасаройлик Ўринбой Пирматов, Кичик турк қишлоғилик Мамадали Юнусов, қоқирлик Ҳакимбой Ҳайдаров, Турғунбой Мамажонов, қўрғончалик Толибжон Мўминовлар хотираси ёдланди. Ўшалар билан ёнма-ён тер тўккан, ҳамон дала ишларига аралашиб юрган Эргашой Инъомова, Юнусали Иброҳимов, Қозоқбой Ортиқов, Насивали Бекмирзаев, Турғунбой Қамбаров, Равшаной Дўлтаева, Мирзағолиб Шомуродов ва яна қанча-қанча нуронийлар саховатига оид воқеалар, уларга кўрсатилаётган ҳурмат-эҳтиром, айниқса, мени жуда-жуда ҳаяжонлантирди. Хўжалик раиси Акромжон ўша машҳур Ҳайдар отанинг ўртанча ўғли экан. Унинг бўйи баланд, тўла, қарашлари эса самимий эди.

— Хирмонингиз ўз оғирлигингизга яраша бўладими? — сўрадим ундан ярим ҳазил-ярим чин оҳангда.

— 13 минг 700 тонна дон, 18 минг 150 тонна пахта топширишимиз шарт!

— Шарт-шарт деяпти, эшитяпсизларми? — деди суҳбатимизни индамай тинглаб ўтирган туман ҳокими Абдураҳим Норқўзиев раиснинг гапини кесиб. Кейин бизга ўгирилди. — Акромжон — полвон йигит, аммо бироз шиддат етишмайди. Баъзи полвонлар рақибининг қурагини ерга теккизиш ўрнига уни кўтариб-кўтариб, айлантириб-айлантириб, яна ерга қўяди. Акромжон ҳам худди ўшалар тоифасидан. Икки йилдан буён маррага етишга 1,5-2 фоиз қолганда, бирдан тўхтаб қолади.

Раис индамай қолди. Аммо унинг кўзларида ишонч бор эди. Деҳқон муддаосига эришиш учун қандай замин ҳозирлаб қўйганини ҳам, йўл қўйган хатосини ҳам ўзи билади.

— Жамоанинг ердан олаётган даромади юқори экан-ку? — унинг ёнини олгандай бўлдим.

— Тўғри, бошқа соҳаларда ишлар аъло! Ҳосилдорлик бўйича ҳам вилоятнинг етакчи хўжаликлари қаторида туради. Режа катта, аммо ҳали айтганимдай...

Акромжон "Бу йилдан бошлаб иш бошқача бўлади" дегандай тебранди. Унга ишонса бўлади. Чунки дала юмушлари ижросидан кўнглимиз тўлди. Айниқса, ердан унумли фойдаланишдаги тажрибалари ибратли. Шапалоқдай жой ҳам бўш қўйилмаган. Кузги буғдой ниҳоллари мавж уриб ўсмоқда. Пахта етиштиришдаги қийинчиликлар ҳам енгиб бориляпти. Бундай манзарани бошқа хўжаликларнинг далаларида ҳам кўрдик.

Қайтишда Телиминг қишлоғи чиқаверишида тўхташга тўғри келди.

— Ана, отахонларимиздан бири турибди, — деди ҳоким Абдураҳим Норқўзиев янги қурилган иморат дарвозасидан чиқиб келаётган кенг пешонали, тўладан келган мўйсафиднинг йўлига пешвоз юриб. — Ҳикматали ота Раҳмонов бўладилар. Саксонга яқинлашиб бораяптилар. Қирқ олти йил ўқитувчи ва мактаб директори бўлиб ишлаганлар. Ҳозир каттакичикка маслаҳатчи!

— Кўчатларга сув очгани чиқувдим, — деди ота қўлидаги кетмон сопига суяниб, салом-аликдан кейин. — Бу ерда кенжа ўғлимнинг оиласи билан бирга яшаймиз. Етти ўғлим, бир қизим, йигирма беш набирам, яна укамнинг бола-чақалари ҳам бор. Ҳозир менинг нима дейишимга қараб турганлар олтмиш учта. Ўтган йили олтмиш учта субҳоний ўрик кўчатини кўкартирган эдим. Бу йил эса, олтмиш уч туп хурмо ниҳоли, шунча терак қаламчаси ўтқаздим.

Бундай ҳаракат, яъни боғлар ва тераксорлар барпо этиш ташаббуси бутун туман бўйлаб қанот ёзганини билиб, ён дафтаримга қуйидаги сатрларни ёзиб қўйдим: "Данғара — эртанги кунга, ўзларининг келажагига ишонч билан қараб, жуда катта орзу-умид иштиёқида меҳнат қилаётган, яшаётган фидойилар манзили! Данғарада бу йил ўзгача шиддат ҳукм сурмоқда".

Йўлдош СУЛАЙМОН.



Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон туманида тадбиркор аёллар кўпчиликни ташкил этади. Зумрадхон Ҳайитова – ана шундай аёллардан бири. У айни кунда «Қумқўрғон» масъулияти чекланган савдо-ҳиссадорлик жамиятини бошқармоқда. Бу ердаги зардўзлик ва гилам тўқиш цехларида тайёрланаётган маҳсулотлар сифати харидорлар тилига тушган.

Ёшларни иш билан таъминлаш, бозорни маҳсулот билан тўлдиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган Зумрадхоннинг саъй-ҳаракати билан яқинда бу ерда ғишт заводи ҳам фаолият кўрсата бошлади. 20 гектарлик лалми ерда боғ барпо этилди. Янгидан қурилиб фойдаланишга топширилган супермаркет дўкони эса Қумқўрғон ҳуснига хол бўлиб тушди.

СУРАТЛАРДА: «Орзу» супермаркет дўкони; савдо аълочиси З. Ҳайитова.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

Бетон қоришмаларидан қайроқ тошдай ялтироқ, силлиқ қилиб тайёрланган деталлар бино пештоқларини безаб, йўлакларга кўрк бағишлайди. Кўпчилик бу деталларга қандай сайқал берилади деб ҳайрон бўлиши мумкин. Жавоби эса осон ва содда. Қолиплар Фарғона нефтни қайта ишлаш корхонасида тайёрланадиган пировард сифатсиз мойлар билан обдон ёғлаб чиқилса, кифоя.

ЯНА БИР ЯНГИ МАҲСУЛОТ

Корхонада янги замонавий ускуналар ишга туширилиши муносабати билан яроқсиз маҳсулот чиқишига бутунлай барҳам берилди. Бетон конструкциялар билан ишлайдиган корхоналарда эса мойлаш ашёлари тақчиллиги сезилиб қолди.

Нефтни қайта ишловчилар корхонанинг тажриба цехи инженер-лойиҳачилари билан ҳамкорликда нефтнинг бутунлай ташлаб юборилади-ган қоришмасидан мойлаш ёғини ажратиб оладиган технология яратдилар. Яқинда чиқиндидан олинган маҳсулот вилоятнинг янги қурилаётган лицей ва коллежларида синовдан ўтказилди. Қурувчилар янги маҳсулотга юқори баҳо беришди.

Ўз мухбиримиз.

Соғлом авлод – юрт келажаги

ЗУРРИЁДИМ САЛОМАТ БЎЛСИН ДЕСАНГИЗ...

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Қон қуйиш ва гемотология касалликлари илмий-текшириш институти клиникасининг Болалар гемотологияси бўлимига борганимда бир манзарага дуч келдим. Бўлимнинг дори-дармон ҳиди анқиб турган узун йўлагидан ўтарканман, палатадан ёш боланинг чинқириб йиғлаган овози эшитилди. Ҳали бу дунёнинг қувончу шодликларидан тузукроқ баҳраманд бўлолмай, оғир дардга чалинган маъсум гўдак жонини оғритиб, муолажа қилаётган шифокорлар унинг соғлиғи учун курашаётганликларини қаердан билсин?

Очиғи, қон билан боғлиқ иллатлар оғир дардлар сирасига киради. Ана шу хасталикнинг ёш болалар орасида ҳам учраб туриши таассуфланарлидир. Клиниканинг Болалар гемотологияси бўлимида ёш чақалоқлардан тортиб, ўн тўрт ёшгача бўлган бемор болалар даволанади.

Ушбу бўлим илмий раҳбари, тиббиёт фанлари доктори, профессор Абдуқодир Тўраев, айниқса, қон билан боғлиқ наслий хасталиклар тўғрисида ташвишланиб сўзлади. Гап шундаки, ёш болаларнинг ана шу касалликларга чалинишига асосан қариндошлар ўртасидаги никоҳ сабаб бўлар экан. Мисол учун,талассимея хасталигига дучор бўлган болаларнинг 90 фоизи шундай оилаларнинг фарзандларидир... Қанчалик оғир бўлмасин, тўғрисини айтишга мажбурмиз, бундай касалликлар кўпинча оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Беихтиёр ўйлаб қоласан, киши. Ўзларининг қариндош-уруғлари билан умр ришталарини боғлаётган ёшларимиз туғилажак фарзандлари ҳаётини қанчалик хавф остига қўяётганликларини ҳис қилишармикин? Яшириб нима қилдик, республикамизда бундай никоҳнинг олдини олиш учун қанчалик ҳаракат қилинмасин, одамлар орасида тушунтириш-тарғибот ишлари олиб борилмасин, барибир, бу ҳол ҳамон давом этаяпти. Демак, келажакда ҳам маъсум гўдаклар орасида бундай хасталиклар учрамайди, деб ҳеч ким кафолат беролмайди.

Бўлимда даволанаётган болаларнинг аксарияти темир моддаси танқислиги анимеяси (камқонлиги) хасталигига чалинишган. Бунинг асосий сабаби чақалоқлигидан уларни тўғри овқатлантиришга эътибор берилмаганлиги билан боғлиқ. Шифокорларнинг эътирофича, гўдакларни бир ярим, икки ёшгача она сути билан боқиш зарур. Чунки она сутида мавжуд бўлган боланинг соғлом, баркамол ривожланишини таъминлайдиган фойдали микроэлементлар ўрнини ҳеч бир сунъий озуқа босолмайди. Шунинг учун она сутини тўйиб эммаган, сунъий озуқалар билан катта бўлган болалар орасида темир моддаси танқислиги анимеяси кўпроқ учрайди. Шу билан бирга, чақалоқларга олти ойлигидан бошлаб қўшимча равишда мева-сабзавот шарбатлари бериб бориш ҳам ана шу дарднинг олдини олишда қўл келар экан. Умуман, болаларда темир моддаси танқислиги анимеясининг яна бир қанча сабаблари бор. Шифокорлар бу хасталикнинг олдини олиш йўлларини ахтаришаяпти.

– Ҳозир бир ҳодимимиз она сутининг боладаги камқонликка қарши таъсири бўйича илмий иш олиб бораяпти, – дейди Абдуқодир Тўраевич. – Унга кўра, янги туғилган чақалокда камқонлик аниқланса, уни она сути билан даволашга ҳаракат қилинади. Яъни, гўдак организми учун зарур бўлган витаминлар унинг онасига берилади. Чунки, тажрибаларда исботланишича, ана шу витаминларнинг 70-80 фоизи она сути орқали чақалоқ организмига сўрилар экан. Сунъий йўл билан муолажа қилинганда эса бу кўрсаткич 20-30 фоизни ташкил этади. Қолаверса, юқоридаги даволаш усули табиийлиги ва безиёнлиги билан ҳам фойдалидир. Айни пайтда бу усулнинг самараси ҳар томонлама чуқур ўрганилаяпти.

Болалар гемотологияси бўлимида 60 ўринли доимий ва 20 ўринли кундузги стационар ишлаб турибди. Тўғри, аксарият вилоятларда ҳам 25-30 ўринли бўлимлар мавжуд. Лекин улар билан бу ердаги шарт-шароитлар ва имкониятларни тенглаштириб бўлмайди. Шу боис, бўлимда вилоятлардан келган бемор болалар ҳам даволанишади. Дарҳақиқат, бу ерда юқоридаги хасталикларни даволашнинг замонавий усулларидан фойдаланилаяпти. Қолаверса, шифохонада малакали шифокорлар меҳнат қилишади. Санобар Содиқова, Елена Нагаева, Муҳаббат Йўлдошева сингари врачлар шулар жумласидандир. Бўлимда оғир аҳволда келтириладиган беморлар учун зарур бўладиган қон ва плазма сингари даволаш воситалари етарли даражада мавжуд. «Доксирубицин», «Виникрастин» сингари ноёб дорилар келтирилибди. Бир сўз билан айтганда, бўлим шифокорлари бемор болаларни даволаш борасида бор куч ва имкониятларини ишга солишмоқда.

... Болалар гемотологияси бўлимининг шинам, озода палаталаридан бирида саккиз ёшли Темурбек Болтаев билан суҳбатлашдим. Тийрак нигоҳли бу болакай саволларимизга худди катталардек, бурро-бурро жавоб берарди. Улғайгач, зўр дўхтир бўлиб, хаста болаларни даволамоқчи экан.

– Темурбек бир неча йилдан бери шифохонамизга келиб, даволаниб кетаяпти, – дейди шифокор Елена Нагаева. – Ота-онасининг врачлар маслаҳатига тўлиқ амал қилаётганликлари, қолаверса, ҳамкасбларимизнинг саъй-ҳаракатлари натижасида аҳволи анча яхшиланди. Биз уни бутунлай соғайтириб юборишга ҳаракат қилаяпмиз.

Темурбекнинг беғубор нияти кўнглимга ажиб бир илиқлик олиб кирди. Зеро, эзгуликни орзулаган маъсум гўдакнинг келажагига умид билан боқишга ҳақлимиз!

Ғафур ШЕРМУҲАММАД,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗИМИЗНИ УЙДАГИДЕК ХОТИРЖАМ ҲИС ҚИЛДИК

дейди В. Гуния номли Поти давлат драма театри директори Александр Жанелидзе

«Ҳумо» ёшлар театри фестивали, ўтган йил Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ҳамда «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ташаббуси билан ташкил этилган эди. Бу йил унинг мамлакатимизда иккинчи бор ўтказилиши, 26 мартдан бошланган театр санъати фестивали марафони икки ой давом этади. Унда мамлакатимиздаги ёшлар театрларидан ташқари Япония, Германия, Россия ва Грузия театрлари ҳам иштирок этишмоқда.

Айни кунларда Грузиянинг В. Гуния номли Поти давлат драма театри мамлакатимиз пойтахтида меҳмон бўлиб турибди. Театр жамоаси томонидан тайёрланган «Жонсиз қуш» спектаклини томошабинлар илик кутиб олишди. «Жонсиз қуш» саҳна асари табиийлиги ва мавзу жиҳатидан замонавий ҳамда долзарблиги билан алоҳида ажралиб туради. Уни ҳис-туйғусиз, шунчаки томоша қилиш мумкин эмас.

Биз спектакл томошасидан сўнг театр директори ва бадиий раҳбари Александр Жанелидзени суҳбатга тортдик.

– Жаноб Жанелидзе, фестивалга тақдим этган ушбу саҳна асарини, очиғи, ҳаяжон билан томоша қилдик. Лекин, афсуски, ҳамма газетхонларимиз ҳам у билан таништириш имкониятига эга эмаслар. Сиз «Жонсиз қуш»да қандай мақсадни кўзда тутган эдингиз ва унга эришдик, дея оласизми?

– «Жонсиз қуш» спектаклини театримизнинг энг яхши асарларидан бири, деб ҳисоблайман. У ҳам замонавий, ҳам асримизнинг энг катта вабоси – ёшларнинг гиёҳвандликка ружу қўйиши ва унинг оқибатлари муаммосини кўтариб чиққани билан аҳамиятлидир. Саҳна асари ҳақидаги ҳақиқий баҳони, албатта, томошабинлар беришади. Лекин мен бугун уларнинг чеҳраларига боқиб, бирмунча қониқиш ҳосил қилдим.

Саҳна асарининг қаҳрамонлари асосан ёшлар. Ёшларки, улар гиёҳвандлик туфайли фоҳишабозлик йўлини тутадилар, СПИД касаллигига чалинадилар. Маънавий ахлоқсизлик, тубанлик инсонни қандай кўргуликларга гирифтор қилиши мумкинлигини кўрсатишга ҳаракат қилдик. Одам ахлоқан тубанлашса, унинг ҳайвондан фарқи қолмайди. Бундайлар спектаклда буткул ҳайвон қиёфасига киradилар... Лекин саҳна асари ёруғлик, эзгулик билан тугайди. У соғлом кучлар бирлашса, ҳар қандай зулматни енга олиши мумкинлигини кўрсатади. Биз яшаётган ана шу заминни асрашга, одамларни яхшилик томон буришга ундайди. Ёш бола тимсолидаги фариштa инсониятни барча балолардан қутқаради. Ва оламга ёруғлик нурлари таралади. У умид ва келажагимиз тимсолидир... Бу саҳна асари барча миллат ёшларини бефарқ қолдирмайди, деб ўйлайман.

– Билишимча, сизнинг юртимизга илк ташрифингиз экан. Боз устига, тўрт-беш кун вақтингиз йўлда ўтибди.

Грузия театри Ўзбекистонда

– Дарҳақиқат, Ўзбекистонга сафаримиз давомида турли давлат чегараларидан ўтишимизга тўғри келди... Лекин сизнинг Ватанингиз – Ўзбекистон чегарасига киришимиз билан ўзимизни уйимиздагидек хотиржам ҳис қилдик. Кайфиятимиз ҳам бирдан ўзгариб кетди. Бизни ҳамюртларингиз багрикенглик ва очиқ чеҳра билан кутиб олишди. Халқингиздаги илиқ меҳр ва самимиятни ҳис қилиб, бошимиз осмонга етди.

– Грузин ва ўзбек халқларининг биродарлиги тўғрисидаги фикрингизни ҳам билмоқчи эдик.

– Халқларимизнинг тарихий илдизлари қадим-қадим замонларга бориб тақалади. Ўзбекистонни Ўрта Осиёнинг юраги дейиш мумкин. Қолаверса, Буюк Ипак йўлининг каттагина қисми ҳам ана шу минтақадан бошланган. Бу йўл, ҳозир ҳам ўз моҳиятини йўқотгани йўқ. Аксинча, яна қайтадан тикланаяпти, қад ростлаяпти. Буюк Ипак йўли Осиё билан Европани туташтирувчи савдо йўналишигина бўлиб қолмай, балки маданий ва маърифий муносабатлар, алоқаларни ривожлантиришда ҳам муҳим ўрин тутади. Грузия — Ўзбекистон алоқалари тобора яхшиланаётганидан мамнунман.

Сайёра ШОДИЕВА суҳбатлашди.

ҚИШЛОҚДА КОЛЛЕЖ ҚУРИЛМОҚДА

Республикамиз Президенти ва ҳукуматимизнинг халқ таълими соҳасидаги ислоҳотларни амалга ошириш борасидаги фармон ва қарорлари Чортоқ туманида ҳам изчил амалга оширилмоқда. Туманнинг Ойқирон қишлоғида бунёд этилаётган 450 ўринли касб-ҳунар коллежи ана шу йўлдаги саъй ҳаракатлар натижасидир. Энг замонавий талабларга тўла жавоб берадиган коллеж қурилишини вилоятдаги 11-хўжаликлараро механизациялашган кўчма жамланманинг қўли гул усталари бунёд этишмоқда. Айни пайтда бу ерда 500 дан зиёд қурувчи икки сменада меҳнат қилаётир. Бинокорлар мазкур билим даргоҳини шу йил Мустақиллик байрами кунигача қуриб битказишга аҳд қилишган.



СУРАТЛАРДА: Электрпайвандловчи Одилжон Камолов; янги қурилаётган билим даргоҳининг умумий кўриниши.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

«УСТОЗ» РЕСПУБЛИКА ЖАМҒАРМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 30 декабрдаги 576-сонли «Устоз» республика жамғармаси фаолиятини таъминлаш тўғрисида»ги қарорининг 4-бандини бажариш, яъни Республикамизда педагогик фаолиятнинг ижтимоий мақоми ва обрў-эътиборини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Республика Фанлар академияси билан ҳамкорликда

«Йилнинг энг яхши мураббийси», «Йилнинг энг яхши ўқитувчиси» ва «Йилнинг энг яхши илмий раҳбари» кўрик-танловларини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловларда республикамиздаги барча таълим муассасаларининг профессор-педагог ва ўқитувчи-ходимлари таркибидан олий маълумотли бўлган ва қуйидаги мезонларга жавоб берадиган Ўзбекистон фуқаролари қатнашиши мумкин:

- танланган мутахассислиги бўйича узлуксиз 5 йиллик меҳнат фаолиятига (иш стажига) эга бўлган ва ўз соҳасини мукаммал ўзлаштирганлар;
- илмий-услубий ва ўқув-тарбиявий жабҳаларда тадқиқотлар юритувчи, узлуксиз таълим тизимининг етук ходимлари ва ташаббускорлари;
- ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий жабҳаларда чуқур билимга эга ва ўз билимидан мураббийлик, ўқитувчилик ва илмий раҳбарлик фаолиятида самарали фойдалана оладиган ўқитувчилар ва ходимлар;
- юқорида қайд этилган тамойилларни ўқув-тарбиявий соҳаларда чет эллардаги илғор тажрибалар ва бошқа мавжуд янги усуллар билан ижодий мувофиқлаштирувчи, ватанпарвар, миллий маданиятимизнинг етакчи вакиллари;
- ўқувчиларининг (шогирдлари ва талабалари) юқори даражадаги тайёргарлиги, маънавий дунёси, билими, маданияти, ахлоқ-иродаси, ватанпарварлик хусусиятлари яққол кўзга ташланадиган муҳим ижтимоий-педагогик кўрсаткичларга эга шахслар.

Танловларда қатнашиш истагини билдираётган ва унвонга талабгорларнинг ҳужжатларини жамғарманинг тегишли вилоят бўлимлари қошида ташкил қилинган танлов комиссияси қабул қилади.

Танловда қатнашишга тавсия этилган номзодлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар;

- ***таълим муассасаси тавсияномаси;***
- ***олий ўқув юртини тугатганлиги, илмий даражаси, унвони ҳақидаги ҳужжатларнинг тасдиқланган (ксерокопияси) нусхалари;***
- **матбуотда эълон қилинган (алоҳида шакл бўйича) ишлар рўйхати;**
- ***ходимларни ҳисобга олиш шахсий варақаси;***
- ***меҳнат дафтарчасидан кўчирма;***
- **фотосурат (2 дона, 3х4 ҳажмдаги);**
- ***рейтингни аниқловчи таълим муассасаси тўлдирган махсус анкета (қайси танловда қатнашишига қараб, вилоят бўлимларидан тегишли рейтинг сўровини олиш лозим);***
- ***юқори малака мутахассислигини ва педагогик фаолиятидаги ютуқларини белгилайдиган бошқа ҳужжатлар.***

Юқорида қайд этилган ҳужжатлар тавсия бераётган таълим муассасаси томонидан тасдиқланиши ва энг кечи билан 5 июнгача жамғарманинг вилоят бўлимларига топширилиши лозим (жамғарманинг тегишли вилоятларда жойлашган бўлимлари манзиллари тўғрисидаги барча маълумотлар «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарининг шу йил 3 апрел сонидаги эълонимизда берилган).

Барча танловларимиз 2000 йилнинг 5 июнидан бошланиб, 4 босқичда ўтказилади.

Биринчи босқич (эълон матбуотда чоп этилган кундан 5 июлгача). Зарур ҳужжатларни тайёрлаш, кафедралар ва бошқа бўғинлар тавсиялари ва унвонга даъвогарларга бўлган талаб-мезонларни ҳисобга олган ҳолда, таълим муассасаси томонидан ўтказилади. Таълим муассасаси ўқитувчининг рейтингини чиқаради, рейтингнинг якуний баҳоси асосида таълим муассасасининг тавсияномаси (исталган шаклда) ишлаб чиқилади ва номзоднинг ҳужжатлари «Устоз» республика жамғармасининг вилоят танлов бўлимига юборилади.

Иккинчи босқич (5 июндан 10 июнгача). Рейтингнинг умумлаштирилган натижалари, тақдим этилган ҳужжатлар асосида жамғарма вилоят танлов бўлими томонидан ўтказилиб, барча таълим муассасалари номзодлари кўрсаткичлари даражасининг зарур талабларга мувофиқлиги аниқланади.

Учинчи босқич (10 июндан 20 июнгача). Танлов ғолибига бўлган умумий талабларни ҳисобга олган ҳолда, тегишли унвонга даъвогарнинг фаолияти тўғрисидаги аноним экспресс-анкета жамғарма танлов бўлими томонидан, танловнинг аввалги босқичларидан муваффақиятли ўтган номзодларни тавсия этган муассасаларда, жойларга бориб ўтказилади. Экспресс-анкета ва рейтинг натижалари асосида комиссия номзоднинг умумий балини чиқаради ва босқич ғолибини аниқлайди. Шу босқич ғолиби ҳужжатлари, экспресс-анкета натижалари билан биргаликда «Устоз» Республика жамғармасига юборилади.

Тўртинчи босқич (20 июндан 1 июлгача). Низомга мувофиқ Республика танлов комиссияси Жамғарманинг Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардаги танлов бўлимлари тақдим этган унвон совринларига даъвогарларнинг ҳужжатларини кўриб чиқади ва тегишли мезон-кўрсаткичларга асосан танловлар ғолибларини аниқлайди.

Шунингдек, «Устоз» Республика жамғармаси оммавий ахборот воситалари орқали танловлар якунларини эълон қилади.

Танловлар ғолибларини мукофотлаш маросими Ўқитувчилар ва мураббийлар кунида ўтказилади.

Танловларда қатнашиш учун ҳужжатларни топшириш ҳамда танловлар босқичларида қатнашиш бўйича қизиқтираётган барча саволлар, шу жумладан, танлов шартлари ва низомлари талаблари, рейтинг шартлари, экспресс-анкета маълумотлари тўғрисидаги барча саволлар билан жамғармамизнинг вилоятлардаги бўлимларига ёки бевосита республика «Устоз» жамғармасининг қуйидаги манзилда жойлашган маъмуриятига мурожаат қилишингизни сўраймиз:

Тошкент ш., Ўзбекистон шоҳкўчаси, 45, телефонлар: 132-60-94, 132-60-17, факс 132-60-16; E- mail: Fond @ ystoz. silk. Organization

2777

БАРКАМОЛ ЁШЛАР – МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг болалар жамғармаси — ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси бир гуруҳ мутахассислари Фарғонага ташриф буюришди. Улар «Соғлом авлод» дастурини қўллаб-қувватлаш бўйича Фарғона давлат университетида «Ривожланиш, она ва бола саломатлигини сақлаш ҳамда муҳофаза қилиш» масалаларига бағишланган илмий-амалий семинарда иштирок этдилар.

ЮНИСЕФнинг Тошкентдаги ваколатхонаси бошлиғи жаноб Руди Родригес кам таъминланган оилаларга беминнат ёрдам кўрсатишнинг баркамол авлодни вояга етказишдаги муҳим аҳамияти ҳақида сўз юритди. Ваколатхона дастурлар бўлими бошлиғи Шуҳрат Раҳимжоновнинг она ва бола саломатлиги, улар муҳофазаси, тиббиёт фанлари номзоди Уктам Жалоловнинг хавфсиз ҳомиладорлик, гўдаклар ва аёлларга ғамхўрликни кучайтириш, она сутининг аҳамияти тўғрисида қилган маърузалари семинар иштирокчиларида яхши таассурот қолдирди.

Баркамол авлод тарбияси билан боғлиқ бундай семинарлар вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам ўтказиляпти.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

«ЎЗМАШСАВДО» АЖ

Тошкентдаги омборхонасида мавжуд:

ЭЛЕКТР ЮКЛАГИЧ: ***ЕВ 606.28.1 ПБ қуввати 0,8 тн. кўтариш баландлиги 2,8м.***
ЕВ 687 28.10 НБ қуввати 1.0 тн. кўтариш баландлиги 2,8м.
ЕВ 657.33.10 ПБ қуввати 1.25 тн, кўтариш баландлиги 3.3м.
ЕВ 717.33.72 ПБ қуввати 2.0 тн. кўтариш баландлиги 3.3м.

АВТОЮКЛАГИЧ: ***ДВ 1621. 28.10 қуввати 1.6 тн, кўтариш баландлиги 2,8м.***
ва шунингдек, кўрсатилган юклагичларнинг эҳтиёт қисмлари.

ЭЛЕКТРОТАЛ: ***Т-10332 қуввати 1.0 тн. кўтариш баландлиги 12м.***
Т-10632 қуввати 5.0 тн, кўтариш баландлиги 12м.
(Юк кўтаргичлар Болгария Республикасида ишлаб чиқарилган).

ГАЗИФИКАТОРЛАР: ***ГХК-3/1.6-200м.***
(азот, кислород, аргон газларини сақлаш ва газификация қилиш учун мўлжалланган).

ТУРБОКОМПРЕССОРЛАР: ***ТВ-80-1, 6-1-01***
(магистрал қувурларни катта босим билан тозалаш учун).

АВТОМОБИЛЛАР: ***ЗИЛ-431610 (юк ташувчи автомобилини).***
ГАЗ-5312 (шасси).
АЦ-3307 (ёқилғи ташувчи автомобилларини).
Автобуслар (25 ўринли)ни
ишлаб чиқарувчиларнинг нархларидан арзонроқ нархда сотади.

Сотилаётган автомобилларни ДАН бошқармасида рўйхатга қўйиш учун ҳисоб маълумотномаси (счет-справка) тақдим этилади.

Темир йўл шахобчаси мавжуд, очиқ турдаги божхона омборлари, юк сақлаш учун омборларни ва хоналарни (телефони билан) ижарага беради.

Манзил: 700057 Тошкент, Усмон Носир 1-тор кўчаси, 6-уй.
Телефонлар: 53-62-54, 53-69-17, 53-83-04, 53-27-48, 53-80-25

274

Имом ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллигига

МУҲИМ МАНБА

Калом илмининг йирик алломаси Абу Мансур ал-Мотуридийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти асосан ўз она юрти Самарқандда кечди. Ўрта асрларда яшаб ўтган кўплаб алломалардан фарқли ўлароқ, имом ал-Мотуридий хорижий юртларга сафар қилмаган.

Имом ал-Мотуридийнинг таълимотини дунё миқёсида, айниқса, мусулмон оламида кенг кўламда тарқалишида унинг шогирдлари ва издошларининг ҳиссаси катта бўлди. Аллома таълимотининг бутун мазмун-моҳиятини муфассал шарҳлаб, унинг том маънода муҳим бир таълимот сифатида эътироф этилишида улкан хизмат кўрсатган олимлардан бири шубҳасиз Абу ал-Муъийн ан-Насафийдир (1027-1114). Ўз устози Абу Мансур ал-Мотуридий вафотидан бир юз олтмиш йил кейин дунёга келган ан-Насафий ўзининг «Табсират ал-адилла», «Баҳр ал-калом» ва «Китоб ат-Тамҳийд ли-қавоъид ат-тавҳийд» номли асарларида имом ал-Мотуридийнинг калом илми соҳасидаги таълимотини ҳар томонлама асослаб баён қилиб, илмий далилларга таянган ҳолда унинг бутун моҳиятини муфассал равишда шарҳлади.

Ушбу мақоламизда ан-Насафийнинг «Табсират ал-адилла» (Далиллар тилга кирганда) номли муҳим асари ҳақида бир қадар кенгроқ маълумот берамиз.

Илмий адабиётларда қисқача «Табсират ал-адилла фи усул ад-дийн аъло тариқ ал-имом Аби Мансур ал-Мотуридий» («Дин усулларини имом Абу Мансур ал-Мотуридий тариқатига биноан далиллар билан шарҳлаш») деб аталади. Асар, Абу Мансур ал-Мотуридий таълимотини далилларга таянган ҳолда шарҳлашга бағишланган.

Маълумки, Абу Мансур ал-Мотуридийнинг калом илмига

бағишланган асосий асарларидан бири «Китоб ат-Тавҳийд» (Яккахудолик ҳақида китоб) бўлиб, бу асар 1970 йилда Байрутда араб олими Фатҳулла Хулойф томонидан нашр этилган. Ан-Насафийнинг «Табсират ал-адилла» асари имом ал-Мотуридийнинг «Ат-Тавҳийд» асаридан кейин мотуридийлик таълимоти бўйича яратилган иккинчи асосий манба ҳисобланади. Калом илмининг баъзи масалалари батафсил ёритилганлиги ва ўз услубининг оддийлиги жиҳатидан «Табсират ал-адилла» баъзи олимлар томонидан ҳатто «Китоб ат-Тавҳийд»га қараганда ҳам юқори баҳоланган. Бинобарин, комил ишонч билан айтишимиз мумкинки, Абу ал-Муъийн ан-Насафийнинг ушбу асаридан бошқа бирорта ҳам имом асарда ал-Мотуридийнинг калом илми соҳасидаги таълимоти шунчалик даражада мукаммал ҳолда ўз ифодасини топмаган.

Шу боисдан бўлса керак илм аҳли ўртасида Абу ал-Муъийн ан-Насафий оддийгина «Соҳиб «ат-Табсира» («Ат-Табсира»нинг муаллифи») лақаби билан ҳам машҳур бўлган.

Мавриди келганда шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, имом ал-Мотуридий яшаб фаолият кўрсатган тўққизинчи асрнинг иккинчи, ўнинчи асрнинг биринчи ярмида калом илми энди пайдо бўлиб, унинг турли масалалари ҳали кенг кўламда идрок этилиб, қатъий бир таълимот сифатида қарор топмаган эди.

Ан-Насафий яшаган ўн биринчи асрнинг иккинчи ярми ва ўн иккинчи асрнинг бошларида эса бу илм ўзининг юксак чўққисига кўтарилган. Шу боисдан ҳам «ат-Табсира»да нафақат калом илмида мустақил мактаб яратган имом ал-Ашъарийнинг илм соҳасидаги назариялари, шу билан бир қаторда бошқа кўплаб мутаккаллимларнинг фикр-мулоҳазалари, уларнинг хилма-хил қарашлари ҳам атрофлича таҳлил қилиниб, илмий жиҳатдан тегишли баҳосини олган. Айниқса асарда ан-Насафий яшаган даврда ҳам қисман мавжуд бўлмаган муътазила оқимининг вакиллари билан кескин баҳсу мунозаралар, уларнинг хато қарашларига далиллар билан исботланган раддиялар келтирилади.

Ҳажм жиҳатидан ғоятда катта (минг саҳифадан ортиқ) бўлган бу қимматли манба араб тилини ўрганиш бўйича Француз илмий институти томонидан Сурияннинг пойтахти Дамашқда икки жилдда (биринчи жилди 1990 йилда, иккинчи жилди 1993 йилда) нашр этилган. Энг авалло ушбу нашрни ўта синчковлик билан амалга оширган тадқиқотчи Клауди Саломанинг улкан хизматини алоҳида таъкидлаш зарурдир. Чунончи, тадқиқотчи асарнинг ўз тасарруфида бўлган тўртта хаттот томонидан Бухорода кўчирилган бўлиб, китоб муқаддимасида ёзилишича, «ат-Табсира»нинг энг қадимий қўлёзма нусхаси ҳисобланади.

Иккинчи қўлёзма ҳам Қоҳирадаги «Дор ал-кутуб ал-Мисрийя»да сақланади, у 490 варақдан иборат ва йирик насх хатида кўчирилган. Афсуски ушбу қўлёзма кўчирилган йил ҳам, уни кўчирган хаттотнинг исми шарифи ҳам кўрсатилмаган. Афтидан бу қўлёзма юқорида зикр қилганимиз биринчи қўлёзмадан кўчирилган, чунки иккала қўлёзмада айнан бир хилдаги хато ва нуқсонлар учрайди.

Нашр учун фойдаланилган учинчи нусха Қоҳирадаги машҳур ал-Азҳар университети кутубхонасида сақланадиган қўлёзма нусхасини қиёсий ўрганиб, улардаги кўпдан-кўп фарқларни алоҳида кўрсатган, бир сўз билан айтганда, том маънода бениҳоя машаққатли ишни бажарган. Қўлёзмаларнинг биринчиси Мисрнинг Искандария шаҳридаги кутубхонада мавжуд бўлиб [779Б рақамли] 209 саҳифадан иборат. Насх хатида ёзилган ушбу қўлёзма 659 ҳижрий (1269 милодий) санада Муҳаммад ибн Ҳасан ибн ал-Ҳусайн исмли қўлёзмадир. У 1106 (301) рақами остида бўлиб, 383 саҳифадан иборат. Насх хатида ёзилган ушбу қўлёзма 1129 ҳижрий (1717 милодий) санада кўчирилганлиги ҳақида унинг охирги саҳифасида қайд этилган.

Қўлёзманинг биринчи саҳифасида ушбу китобни Иброҳим Чалабий ал-Борудий ал-Азҳар университетининг толиби илмларига вақф тариқасида васият қилганлиги кўрсатилган. Тадқиқотчи ўз ишида «Дор ал-кутуб ал-мисрийя»да сақланадиган «10 м Тавҳийд» рақамдаги яна бир қўлёзмадан ҳам фойдаланган. 395 варақдан иборат, 1136 ҳижрий (1724 милодий) санада насх хатида ёзилган ушбу қўлёзманинг кўчирувчиси Абдулфаттоҳ Жод ал-Мавло Абул-Фатҳ ад-Далижийдир. Қўлёзманинг охирги варағида «мазкур» нусха асли билан муқобала қилиниб тузатилади» деган жумла ёзилган. Хулоса қилиб айтганда «Табсират ал-адилла»нинг ушбу биринчи нашри илмий нуқтаи назардан қимматли бир тадқиқот ҳисобланиб, уни ҳар томонлама тадқиқ этиб, ўзбек тилига таржима қилиш буюк аллома Абу Мансур ал-Мотуридий асос солган мотуридийлик таълимотини чуқур ўрганишга хизмат қилади.

Убайдулла УВАТОВ
халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси раисининг биринчи ўринбосари.

ПОЛВОНЛАР НУКУСГА ОШИҚМОҚДА

СПОРТ

Саполоқ Шомуратовни Қуйи Амударё воҳасида "Аср полвони" деб аташади. Номи тиллардан тилларга, эллардан элларга кўчган бу қорақалпоқ полвонининг кураги ерга тегмаган. У ўттизинчи, қирқинчи йилларда, эллигинчи йилларнинг бошида аввал Ўзбекистон, сўнгра бутун Марказий Осиёнинг мутлақ чемпиони номини узлуксиз сақлаган эди.

Шу йилнинг 25-26 апрел кунлари Нукусдаги "Спартак" ўйингоҳида кураш бўйича Сапалоқ Шомуратов хотирасига бағишланган халқаро турнир ўтказилади, "Кураш-башорат" лотереяси ўйналади. Нуфузли совринлар ўз эгаларини кутмоқда!

Я. ҚЎЧҚОРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Бу қизларнинг юзлари ойдек,
Боқсанг, баҳор нафаслари бор.
Кокилларин ёйса гар сойдек,
Мажнунтоллар ҳаваслари бор.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ
сурат-лавҳаси.

Биринчи даражали

МЕБЕЛЬ САЛОНИ

Бевосита Италия ва Полшадан туркум мебеллар тўплами.

Каталоглар асосида буюртмалар қабул қилинади.

Элтиб бериш ва йиғиш -- бепул.

Манзилимиз: Тошкент ш., Фурқат кўчаси, 5. Мебель дўкони.

Тел.(371) 144-27-15.

ABN·AMRO Bank

Best Bank in Uzbekistan

CENTRAL EUROPEAN AWARDS 2000

Обрў-эътиборли "Euromoney" молия журналининг «Central European» нашри томонидан

АБН АМРО Банк МБ Ўзбекистон А.Ж.

2000 йилда Ўзбекистоннинг энг яхши банки деб номланди.

Бизнинг қўшма банкимизнинг асосий таъсисчиси-АБН АМРО Банкдир. Бу универсал тижорат инвестиция банкининг тарихи Голландия тарихининг ўтган аср бошига бориб тақалади. Бугун АБН АМРО Банк дунёнинг 76 мамлакатида ўз филиалларининг кенг тармоғига эга бўлган энг йирик халқаро молиявий конгломератлардан биридир.

Биз:

- Ўзбекистон молия бозорида энг яхши банк хизматларини;
- Банк хизматларининг кенг мажмуасини — пул кўчириш ва тижорат кредитидан тортиб, конвертация жараёнлари ва мижозлар эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган мураккаб таркибий молиялаштиришгача;
- Электрон банк иши ("банк-мижоз тизими") ва пластик-кредит карточкалари каби маҳаллий бозор учун мутлақо янги бўлган банк хизматларини тақдим этамиз.

СИЗНИ ЎЗ МИЖОЗЛАРИМИЗ САФИДА КЎРИШДАН ХУРСАНДМИЗ.

ABN·AMRO The Network Bank

Бизнинг манзил: Тошкент ш., Ҳ.Олимжон майдони, Ғарбий томон, Бизнес-комплекс, 4-подъезд.
Телефон: 120-61-41.
Факс 120-63-67.

2777

Vinlad *Ҳаётингизни хотиржам қиламиз!*

ҚЎРИҚЛАШ-ЁНҒИНДАН САҚЛАШ ЖИҲОЗЛАРИ

БИР ҚАТОР ЯНГИ ЧЕГИРМАЛАР

16,17,18 май
кунлари барча қизиқувчиларни
телекоммуникациялар ва компьютер технологиялари
"Uztel-2000",
кўргазмасидаги «Vinlad» ИИК нинг стендини томоша қилишга таклиф этамиз.



«Vinlad» ИИК қуйидаги ишларни амалга оширади:

- ✓ объектларни тадқиқ қилиш ва лойиҳалаш ишларини бажариш;
- ✓ керакли жиҳозлар ва материалларни етказиб бериш;
- ✓ ўрнатиш, созлаш-ишга тушириш ишлари;
- ✓ буюртмачига тизимларни топшириш;
- ✓ кафолатли ва кафолатдан сўнгги хизмат кўрсатиш;
- ✓ буюртмачи ходимларни ўқитиш.







C&K SYSTEMS GLOBAL SECURITY TECHNOLOGY

Honeywell

Тошкент ш., Қушбеги к., 18, тел.:50-46-13, 50-99-13, 50-86-80, факс: 50-03-61.
Дилер: Фарғона водийси, «АХСИ» ТИИФ, тел: (3732) 26-52-44, 24-19-39.

2756

ЕЛИМ ФАҚАТ ҒИШТ УЧУН

Голландиялик мутахассислар энди ғишт учун ҳам елим ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар. У ғиштни цементга қараганда жуда мустаҳкам ушлайди. Натижада девор ўта мустаҳкам бўлиб, ғишт терувчиларнинг иши эса янада енгиллашади, яъни одатдаги ғишт теришда цемент қоришма қатлами 1 сантиметрдан кам бўлмасди, янги усулда эса елимнинг қалинлиги атиги 2 миллиметр бўлса бас.

САМОЛЁТ БАЛИҚ БИЛАН ТЎҚНАШДИ

Учиш пайтида самолётларнинг қушлар билан тўқнашиб кетиши учраб турадиган ҳодисадир. Лекин бу сафар Америконинг «Боинг – 737» авиалайнери Аляскадаги аэродром яқинидаги балиқ билан тўқнашиб кетди-я!

Ердан кўтарилган самолёт йўлини панжаларида балиқ чангаллаган оқ бошли сув бургути кесиб ўтди. У ўзидан йирик «йиртқич»-ни кўргач, саросимага тушиб қолган ва ўз ўлжасини ташлаб юборган. Балиқ эса аксига олиб тўппа-тўғри самолётнинг олд ойнасини синдириб, кабинага келиб тушган. Шундан сўнг самолёт қўнишга мажбур бўлди.

ТЕЗ ЎСУВЧИ ҚОВУН ДАРАХТИ

Сайёрамизда қовун дарахти ҳам бор. Бу жуда тез ўсадиган тропик ўсимлик бўлиб, 60 метр баландликкача ўсади. Мевасининг оғирлиги 2 килогача тош босади, ташқи кўриниши ва ички тузилиши худди қовунни эслатади. XVI асрда қовун дарахти Панамадан Шарққа олиб келинган. Ҳозир эса Марказий Америкода, Ҳиндистонда ва Австралияда ўстирилади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:

Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;
Ҳуқуқ — 136-07-94;
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;
Ахборот, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик — 132-11-15;
Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 286, 23728 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II русс компьютерида терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — А. ҲАЙДАРОВ.
Навбатчи — Э. МАВЛОНОВ.
Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00
топширилди — 22.40
1 2 3 4 5 6

Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси жамоаси қўмита бошқарма бошлиғи Эмил Магруповга акаси
Акмал МАГРУФОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Телерадиокомпаниясининг Хорижий мамлакатларга эшиттиришлар бошқармаси «Оврупо» бош муҳарририяти муҳаррири Миртўйчи Аъзамовга отаси
Мирвали АЪЗАМОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент автомобиль ва йўллар институти жамоаси сиртқи ўқув маркази бошлиғи муовини
Маматмўмин ЧОРИЕВнинг
узоқ касалликдан сўнг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Низомий номли Тошкент Давлат педагогика университети маъмурияти, Бошланғич таълим ва дефектология факультети жамоаси факультет ўқитувчиси Зуҳра Аҳмедовага опаси
Зулфия АҲМЕДОВАнинг
бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.